
АЁЛЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Ўзбекистон Республикаси оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси Фарғона вилояти Марғилон шаҳар бўлимнинг Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ҳамда хотин-қизлар тадбиркорлик марказларининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Унда шаҳар ҳокими Адҳам Зиявитдинов, ҳоким ўринбосарлари, ҳамкор ташкилот раҳбарлари ҳамда маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари иштирок этди.

Марказлар хотин-қизларни тадбиркорликка йўналтириш, никоҳланувчи шахсларни оилавий-ҳуқуқий муносабатлар, оилавий ҳаёт психологияси, оила иқтисоди ва бюджети, репродуктив саломатлик асослари, маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш масалалари бўйича иш олиб боради.

Анъанага мувофиқ рамзий лента қирқилиб, иштирокчилар марказларда ишчи-ҳодимлар ва фуқароларга яратилган шароитлар билан танишдилар.

2022-06-11 17:43:35